Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратура мутахассисликлари учун Менежмент фанидан кириш имтиҳони тест синовлари
ДАСТУРИ

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги «Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–108-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги 904-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда Олий бизнес мактаби) замонавий таълим стандартлари асосида MBA Молия, MBA Ташкилий лидерлик, MBA Рақамли иқтисодиёт ва MS Лойиҳа бошқаруви магистратура мутахассисликлари бўйича иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали бошқарув кадрларини тайёрлашни амалга оширмоқда.

Олий мактаб тингловчилигига қабул тест синовлари шаклида ташкил этилиб, унга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, йирик уюшмалар, акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбар ва мутахассислари орасидан суҳбат асосида саралаш босқичларидан ўтган номзодлар тавсия этилади.

Тест синовларини ўтказишдан асосий мақсад, юқори касбий билим ва илмий ютуқларга, ижодий ва илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал ва раҳбарлик қобилияти, маънавий–ахлоқий фазилатларга эга бўлган номзодларни танлаш жараёнида рақобат муҳитини яратиш ва таъминлашдан иборат.

Замонавий иқтисодиёт шароитида ташкилотлар ва лойиҳаларни самарали бошқариш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, стратегик қарорлар қабул қилиш, рақамли трансформация жараёнларини амалга ошириш ва рақобат муҳитида барқарор ривожланишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли мазкур дастурда классик менежмент назариялари билан бир қаторда стратегик менежмент, операцион менежмент, корпоратив бошқарув, лойиҳаларни бошқариш, инновацион ривожланиш ва инсон ресурсларини бошқаришга оид масалалар ҳам кенг ёритилган.

Дастур менежмент соҳасидаги фундаментал назарий билимлар ва амалий бошқарув механизмларини қамраб олиб, номзодларнинг стратегик фикрлаш, муаммоларни таҳлил қилиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш,

жамоани бошқариш ва лойиҳаларни самарали ташкил этиш кўникмаларини баҳолашга йўналтирилган.

Кириш имтиҳони тест саволлари ушбу дастурда келтирилган мавзулар асосида шакллантирилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

1–мавзу. Менежментнинг назарий асослари

Бошқарув ва менежмент.

Менежмент тушунчаси, унинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти.

Менежмент фанининг предмети, объекти ва тадқиқот усуллари.

Бошқарув муносабатлари ва бошқарув тизими.

Илмий бошқарув мактаби, маъмурий бошқарув мактаби, инсон муносабатлари мактаби, бихевиористик ва миқдорий ёндашувлар.

Менежментда тизимли, вазиятли ва жараёнли ёндашувлар.

Менежмент турлари ва уларнинг хусусиятлари.

Стратегик менежмент, операцион менежмент, инновацион менежмент, молиявий менежмент, инвестицион менежмент, корпоратив менежмент, маркетинг менежменти, инсон ресурсларини бошқариш (HR-менежмент), лойиҳа менежменти, риск менежмент, халқаро менежмент ва рақамли менежмент.

2-мавзу. Менежментнинг тамойиллари, функциялари ва бошқарув усуллари

Менежментнинг асосий тамойиллари: меҳнат тақсимоти тамойили, ваколат ва жавобгарлик тамойили, интизом тамойили, якка раҳбарлик тамойили, бошқарувда бирлик тамойили, шахсий манфаатларни умумий манфаатларга бўйсундириш тамойили, рағбатлантириш тамойили, марказлаштириш ва марказлашмаслик тамойили, иерархия тамойили, тартиб ва адолат тамойили, барқарорлик тамойили, ташаббускорлик тамойили ва корпоратив руҳ тамойили.

Бошқарув функциялари: режалаштириш, ташкил этиш, мотивация, мувофиқлаштириш ва назорат функциялари.

Режалаштиришнинг стратегик, тактик ва оператив турлари.

Ташкил этиш жараёни ва ташкилий муносабатлар.

Мотивациянинг иқтисодий ва психологик асослари.

Назорат ва унинг турлари.

Мувофиқлаштиришнинг аҳамияти ва механизмлари.

Бошқарув усуллари: иқтисодий, ташкилий-маъмурий ва ижтимоий-психологик усуллар.

Иқтисодий усулларда рағбатлантириш, бюджетлаштириш ва молиявий механизмлардан фойдаланиш.

Ташкилий-маъмурий усулларида буйруқ, қарор ва йўриқномаларнинг аҳамияти.

Ижтимоий-психологик усулларда жамоавий муносабатлар, корпоратив маданият ва мотивациянинг роли.

Бошқарув услублари: авторитар, демократик ва либерал услублар.

Замонавий раҳбарлик услублари ва уларнинг ташкилот самарадорлигига таъсири.

Самарали бошқарув механизмлари ва бошқарув қарорларининг натижавийлиги.

3-мавзу. Ташкилот ва бошқарув тизими

Ташкилот тушунчаси, унинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти.

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари.

Ташкилотларнинг асосий белгилари ва хусусиятлари.

Ташкилотларнинг турлари: тижорат ва нотижорат ташкилотлар, давлат ва хусусий ташкилотлар, йирик, ўрта ва кичик бизнес субъектлари, миллий ва халқаро ташкилотлар.

Расмий ва норасмий ташкилотлар ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари.

Ташкилотнинг ички муҳити ва унинг элементлари.

Мақсад, вазифа, технология, ташкилий тузилма, инсон ресурслари ва корпоратив маданиятнинг ташкилот фаолиятига таъсири.

Ташкилотнинг ташқи муҳити ва унинг омиллари.

Иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, демографик ва технологик омилларнинг ташкилот ривожланишига таъсири.

Бошқарув тизими тушунчаси ва унинг элементлари.

Бошқарув субъекти ва объекти.

Бошқарув муносабатлари ва бошқарув жараёни.

Бошқарув даражалари: юқори, ўрта ва қуйи бошқарув бўғинлари.

Бошқарувда марказлаштириш ва марказлашмаслик жараёнлари.

Ташкилий тузилмалар ва уларнинг турлари.

Чизиқли ташкилий тузилма, функционал ташкилий тузилма, чизиқли-функционал тузилма, дивизионал тузилма, матрицали тузилма ва лойиҳавий тузилмаларнинг хусусиятлари, афзаллик ва камчиликлари.

Ваколат ва жавобгарлик муносабатлари.

Делегирлаш жараёни ва унинг аҳамияти.

Ташкилот маданияти тушунчаси ва унинг элементлари.

Корпоратив қадриятлар, корпоратив этика ва корпоратив руҳ.

Ташкилот маданиятининг турлари ва ташкилот самарадорлигига таъсири.

Жамоавий ишлаш муҳитини шакллантириш механизмлари.

4-мавзу. Стратегик ва операцион менежмент

Стратегик менежментнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Ташкилот миссияси, визияси ва стратегик мақсадлари.

Стратегик бошқарув жараёни ва унинг босқичлари.

Ташқи ва ички муҳит таҳлили.

SWOT, PEST, SPACE ва BCG таҳлиллари.

Корпоратив, бизнес ва функционал стратегиялар.

Рақобат стратегиялари: харажатлар бўйича етакчилик, дифференциация ва фокуслаш стратегиялари.

Стратегик қарорлар қабул қилиш жараёни.

Рақобат устунлигини шакллантириш омиллари.

Операцион менежментнинг моҳияти ва вазифалари.

Операцион тизимлар ва уларнинг турлари.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқариш.

Операцион режалаштириш ва назорат.

Ресурслардан самарали фойдаланиш.

Lean management, Kaizen ва Just-in-Time концепциялари.

Сифат менежменти ва ISO стандартлари.

Операцион самарадорлик кўрсаткичлари.

Стратегик ва операцион менежментнинг ўзаро боғлиқлиги.

5-мавзу. Молиявий менежмент асослари

Молиявий менежментнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Корхона молиявий ресурслари ва уларни бошқариш.

Молиявий муносабатлар тизими.

Корхона капитали ва унинг тузилиши.

Асосий молиявий категориялар: даромад, харажат, фойда, рентабеллик, ликвидлик, молиявий барқарорлик, инвестициялар, дивидендлар ва пул оқимлари.

Актив ва пассивлар тушунчаси.

Айланма маблағлар ва уларнинг самарадорлиги.

Молиявий режалаштириш ва бюджетлаштириш жараёнлари.

Молиявий таҳлил усуллари ва молиявий коэффициентлар тизими.

Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш.

Инвестицион қарорлар қабул қилиш асослари.

Риск ва даромадлилик муносабати.

Замонавий иқтисодиётда молиявий менежментнинг аҳамияти.

6-мавзу. Бошқарув қарорларини қабул қилиш технологиялари

Бошқарув қарорларининг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти.

Қарор қабул қилиш жараёни ва босқичлари.

Қарорларнинг турлари: стратегик, тактик ва оператив қарорлар.

Дастурлаштирилган ва дастурлаштирилмаган қарорлар.

Индивидуал ва жамоавий қарорлар.

Ноаниқлик ва риск шароитида қарор қабул қилиш.

Қарор қабул қилиш усуллари: эксперт баҳолаш, Делфи усули, “ақлий ҳужум”, сценарий таҳлили, моделлаштириш ва иқтисодий-математик усуллар.

Самарали қарор қабул қилиш мезонлари.

Бошқарув қарорларининг натижадорлигини баҳолаш.

7-мавзу. Режалаштириш ва бизнес-режалаштириш

Режалаштиришнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Режалаштириш тамойиллари: узлуксизлик, мослашувчанлик, аниқлик ва самарадорлик.

Стратегик, тактик ва оператив режалаштириш.

Режаларнинг турлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Бизнес-режа тушунчаси ва унинг аҳамияти.

Бизнес-режанинг тузилиши ва асосий бўлимлари.

Инвестицион лойиҳаларни режалаштириш.

Прогнозлаштириш усуллари. Ресурсларни режалаштириш ва тақсимлаш жараёнлари.

8-мавзу. Лойиҳаларни бошқариш асослари

Лойиҳа тушунчаси ва унинг хусусиятлари.

Лойиҳаларнинг турлари ва классификацияси.

Лойиҳа ҳаётий цикли ва унинг босқичлари.

Лойиҳани режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш жараёнлари.

Лойиҳа мақсадлари, муддати, бюджети ва сифати.

Лойиҳаларни бошқариш методологияси.

Лойиҳада рискларни бошқариш.

Лойиҳа жамоасини шакллантириш ва бошқариш.

Лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш мезонлари.

9-мавзу. Инсон ресурсларини бошқариш ва меҳнат мотивацияси

Инсон ресурсларини бошқаришнинг моҳияти ва вазифалари.

HR-менежмент функциялари.

Кадрлар сиёсати ва кадрлар стратегияси.

Ходимларни танлаш, баҳолаш, адаптация қилиш ва ривожлантириш жараёнлари.

Мотивация тушунчаси ва унинг турлари.

Моддий ва номоддий рағбатлантириш усуллари.

Жамоани бошқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари.

10-мавзу. Лидерлик ва раҳбарлик психологияси

Лидерлик тушунчаси ва назариялари.

Лидерлик турлари.

Харизматик, трансформацион ва транзакцион лидерлик.

Раҳбарлик услублари: авторитар, демократик ва либерал услублар.

Самарали лидер фазилатлари ва компетенциялари.

Жамоани бошқариш психологияси.

Конфликт ва стрессни бошқариш.

Низоларнинг турлари ва уларни ҳал этиш усуллари.

Корпоратив маданият ва жамоавий муносабатлар.

Замонавий раҳбар имиджи.

11-мавзу. Менежментда коммуникация ва ахборот технологиялари

Коммуникация жараёнининг моҳияти ва аҳамияти.

Коммуникация босқичлари.

Вербал ва невербал коммуникациялар.

Ички ва ташқи коммуникациялар.

Горизонтал ва вертикал коммуникациялар.

Ахборот оқимлари ва уларни бошқариш.

Коммуникация тўсиқлари ва уларни бартараф этиш усуллари.

Ахборот-коммуникация технологиялари.

ERP, CRM ва BPM тизимлари.

Рақамли коммуникациялар ва ахборот хавфсизлиги.

Замонавий ташкилотларда рақамли бошқарув технологиялари.

12-мавзу. Корпоратив бошқарув асослари

Корпоратив бошқарув тушунчаси ва унинг иқтисодий мазмуни.

Корпоратив бошқарув моделлари: англо-америка, герман ва япон моделлари.

Корпоратив бошқарув тамойиллари: шаффофлик, ҳисобдорлик, масъулият ва адолатлилик.

Акциядорлик жамиятларида бошқарув тизими.

Кузатув кенгаши ва ижро органлари функциялари.

Манфаатдор томонлар муносабатлари.

Корпоратив этика ва ижтимоий масъулият.

ESG тамойиллари ва барқарор корпоратив ривожланиш.

13-мавзу. Инновацион менежмент ва рақамли трансформация

Инновация тушунчаси ва унинг турлари.

Инновацион жараён босқичлари.

Инновацион менежментнинг вазифалари ва функциялари.

Инновацион стратегиялар ва инновацион ривожланиш моделлари.

Рақамли иқтисодиёт шароитида бошқарув.

Автоматлаштириш ва сунъий интеллект технологиялари.

Рақамли трансформация стратегиялари.

Data-driven management ва рақамли платформаларнинг аҳамияти.

Замонавий рақамли бизнес моделлари.

14-мавзу. Халқаро менежмент ва глобал бизнес муҳити

Халқаро менежментнинг моҳияти ва хусусиятлари.

Глобаллашув жараёнлари ва уларнинг бизнесга таъсири.

Трансмиллий корпорациялар фаолияти.

Халқаро бизнес стратегиялари.

Маданиятлараро бошқарув ва унинг хусусиятлари.

Халқаро бозорга чиқиш усуллари: экспорт, лицензиялаш, франчайзинг ва қўшма корхоналар.

Глобал рақобат муҳити ва халқаро менежмент тенденциялари.

15-мавзу. Менежмент самарадорлиги ва барқарор ривожланиш

Менежмент самарадорлигининг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти.

Самарадорлик кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонлари.

KPI тизими ва уни қўллаш механизмлари.

Бенчмаркинг ва реинжиниринг жараёнлари.

Барқарор ривожланиш концепцияси ва ESG тамойиллари.

Замонавий менежмент тенденциялари.

Ташкилот рақобатбардошлигини ошириш омиллари.

Ўзбекистонда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва рақамли иқтисодиёт шароитида менежментни ривожлантириш йўналишлари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги “Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-201-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6079-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб–қувватлаш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–306–сон қарори, https://lex.uz/docs/6609110.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги «Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора–тадбирлари тўғрисида» 15.11.2023 йилдаги ПҚ–366–сон қарори, https://lex.uz/ru/docs/6663044.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
7. Абчук, В. А., Трапицын С. Ю., Тимченко, В. В. Менеджмент: Фундаментальные основы : учебник и практики для вузов / В. А. Абчук. – 3-е изд., испр. и доп. – М. : Юрайт, 2022 г.
8. Бойко, И.П. Экономика предприятия в цифровую эпоху / И.П. Бойко, М.А. Евневич, А.В. Колышкин // Российское предпринимательство. Том 18, – 2017. – №7. – С. 1127–1130
9. Виханский, О. С., Наумов, А. И. Менеджмент : учебник / О. С. Виханский. – 6-е изд., перераб. и доп. – М. : Магистр, 2023 (классический университетский учебник).
10. Гусков, Ю. В. Основы менеджмента: учебник / Ю. В. Гусков. – Москва: ИНФРА–М, 2019. – 263 с.

11. Дегтярева, Н.А.Эконометрические модели анализа и прогнозирования: монография / Н.А. Дегтярева. – Челябинск: Цицеро, 2017. – 170 б.

12. Егоршин, А. П. Основы менеджмента : учебник / А. П. Егоршин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М. : КноРус, 2022. – 544 с.

13. Йўлдошев Н.Қ. Менежментга кириш. Дарслик. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи», 2021 й. –392 б.

14. Йўлдошев Н.Қ., Захидов Г.Э. Менежмент. Дарслик. –Т: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2018 й. –392 б.

15. Менеджмент / С. П. Роббинс, М. А. Коултер. – 16-е изд. – [Без указания места издания] : Pearson, 2023. – 720 с.

16. Михненко, П. А. Теория менеджмента : учебник / П. А. Михненко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Проспект, 2022.

17. Основы управления : концепции, приложения и развитие навыков / Р. Н. Люссье. – 10-е изд. – Таузенд-Окс: SAGE Publications, 2023. – 600 с. –

18. Порсаев Ғ.М., Сафаров Б.Ш., Усманова Д.Қ.. Рақамли иқтисодиёт асослари. Дарслик –Т.: «Фан ва технологиялар нашриёт–матбаа уйи», 2020. 372 б.

19. Принципы управления / Д.С. Брайт, А.Х. Кортес, Э. Хартманн [и др.]. – Хьюстон: OpenStax, 2022. – 674 с.

20. Семенова, В. В., Боташева, Л. С., Петросян, Д. С. Основы менеджмента : учебное пособие. – М. : Русайнс, 2022.

21. Современный менеджмент / Г. Р. Джонс, Дж. М. Джордж. – 13-е изд. – Нью-Йорк: McGraw-Hill Education, 2023. – 768 с. – ISBN 978-1265074697.

22. Современный менеджмент : концепции и навыки / SC Certo, ST Certo. – 16-е изд. – [S. l.] : Pearson, 2023. – 624 с.

23. Суюнов Д.Х., Элмирзаев. С.Э.: Корпоратив бошқарув, 2021. 356 бет.

24. Суюнов Д.Х.: Кенжабаев. А.Т.: Рўзиев. А.О.: Электрон тижорат. Дарслик. 2023,

25. Хўджамуратова Г.Й., Азларова М.М. Менежмент. Маркетинг. Дарслик. –Т: Иқтисодиёт, 2019. –358 б.

Қўшимча адабиётлар:

26. ChevalliyerJ., Goutte S., Guerreiro D., Saglio S., Sanhaji B. International Financial Markets. – London: Routledge, 2019. – 438 p.

27. Мороз, О.А. Управление проектами в ProjectLibre / О.А. Мороз. – Рн/Д: Феникс, 2018. – 384 с

28. Кендалл И., Роллинз К. Современные методы управления портфелями проектов и офис управления проектами: Пер. с анг. – М.: ПМСОФТ, 2004 – 338 с.

29. Иванов П.В. Управление проектами: Учебное пособие / П.В. Иванов. – Рн/Д: Феникс, 2018. – 102 с.

Интернет манбаалари:

30. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.

31. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

32. https://pm.center

33. http://pmprofy.ru

34. http://pmexpert.uz